

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА РАҶАМЛИ АКТИВЛАР МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИ

доц. Якубова Шамшинур Шухратовна
Ташкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0000-0002-6593-5195
sh.yakubova@tsue.uz

Аннотация. Мазкур илмий мақолада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида раҷамли активлар ва криптовалюталар муомаласининг жорий ҳолати ва тартибга солиш масалалари таҳлил қилинган. Қиёсий таҳлил асосида МДҲ мамлакатларида асосан мавжуд қонунчилик нормаларининг қўлланилиши ёки мустақил ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилиши ёндашувлари амал қилаётгани аниқланди ҳамда бу соҳада устувор бўлган давлатлар белгилаб олинди. МДҲ мамлакатларида раҷамли активлар муомаласини тартибга солиш бўйича тажриба алмашиш ва ўзаро ҳамкорликни қучайтириш лозимлиги ҳақида хулоса шакллантирилди.

Калим сўзлар: раҷамли актив, криптовалюта, қонунчилик асослари, тартибга солиш.

ПРАКТИКА РЕГУЛИРОВАНИЯ ОБОРОТА ЦИФРОВЫХ АКТИВОВ В СТРАНАХ СНГ

доц. Якубова Шамшинур Шухратовна
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В научной статье анализируется современное состояние и вопросы регулирования цифровых активов и криптовалют в странах Содружества Независимых Государств. На основе сравнительного анализа определено, что в странах СНГ в основном применяются подходы применения действующих законодательных норм или формирования самостоятельных правовых основ, а также выявлены страны, являющиеся лидерами в этой области. Сделан вывод о необходимости обмена опытом и укрепления сотрудничества в сфере регулирования оборота цифровых активов в странах СНГ.

Ключевые слова: цифровой актив, криптовалюта, правовая база, регулирование.

PRACTICE OF REGULATION OF DIGITAL ASSET TURNOVER IN THE CIS COUNTRIES

assoc. prof. Yakubova Shamshinur Shukhratovna
Tashkent State University of Economics

Abstract. The scientific article analyzes the current state and issues of regulation of digital assets and cryptocurrencies in the countries of the Commonwealth of Independent States. Based on a comparative analysis, it was determined that the CIS countries mainly use approaches to apply existing legislative norms or form independent legal frameworks, and also identified countries that are leaders in this area. A conclusion is made about the need to exchange experience and strengthen cooperation in the field of regulation of digital asset turnover in the CIS countries.

Keywords: digital asset, cryptocurrency, legal framework, regulation.

Кириш.

Рақамли активлар ва рақамли валюталарнинг ҳамда уларнинг қўлланилиш усулларининг турли-туманлиги ўз-ўзидан уларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда зарур инфратузилмаларни шакллантиришни тақозо этади. Маълумки, Bitcoin, Ethereum ва бошқа рақамли активлар ва криптовалюталар хусусий инвесторлар ва институционал бозор иштирокчилари орасида кенг миқёсда тан олинган. Уларнинг технологик хусусиятлари, хусусан марказлаштирилмаганлиги ва воситачиларсиз транзакцияларни амалга ошириш қобилияти ноёб имтиёзлар билан бир қаторда юқори ўзгарувчанлик, киберхавфсизлик таҳдидлари ва ноқонуний фаолиятда потенциал фойдаланиш каби хавфларни ҳам яратади. Шу муносабат билан рақамли активлар ва криптовалюта бозорини хуқуқий тартибга солиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Криптовалюталарнинг бозор капиталлашуви \$2,7 трлн дан ошади, бу молия бозорида ушбу сегмент кўламининг сезиларли даражага эга эканлигидан далолат беради. Дунё бўйлаб 60 дан ортиқ йирик банклар блокчейн технологияси билан боғлиқ лойиҳаларга сармоя киритмоқдалар, бу анъанавий молия институтларининг ушбу соҳага стратегик қизиқишини кўрсатади.

Бутун дунё бўйлаб 580 млн дан ортиқ одам криптовалюталар фойдаланувчилари ҳисобланади, бу рақамли активларнинг глобал миқёсда юқори даражада кириб боришини намойиш этади (Ownership, 2024). Бутун дунё бўйлаб истеъмолчиларнинг 49% и қундалик ҳисоб-китоблар учун криптовалютани тўлов воситаси сифатида ишлатган ёки ундан фойдаланишга тайёр, бу рақамли активларнинг қундалик ҳисоб-китоблар воситаси сифатида тан олиниши ортиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, меъёрий-хуқуқий ҳолатни таҳлил қилганимизда, кўриб чиқилган 60 та давлатдан 33 тасида криптовалюталар қонунийлаштирилган бўлиб, 17 та давлатда улар қисман тақиқланганлигини, 10 та давлатда эса тўлиқ тақиқланганлиги кўришимиз мумкин. Катта йигирмалик - G20 давлатларининг 12 таси криптовалюталарни қонунийлаштирган, қолганлари эса норматив-хуқуқий асосларнинг яратилиши масаласини кўриб чиқмоқдалар (Жантурина и др., 2024).

Аввалги илмий ишларимизда дунё миқёсида рақамли активлар муомаласини тартибга солиш борасидаги ёндашувлар таҳлил қилиниб, уларнинг асосий йўналишларини тадқиқ этган эдик. Мазкур илмий мақолада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида рақамли активларни жорий этиш ҳолати ва тартибга солиш масалаларини ўрганиш асосий мақсад этиб белгиланган. Иқтисодчи Салаев (2024) таъкидлаганидек, “аниқ ва самарали тартибга солувчи тартибга солишни ишлаб чиқиши криптовалюталарга ишончни ўрнатишга ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг қўллашга ёрдам беради”. Ўзбекистонда рақамли молиявий активлар институтини сифатли ривожлантириш ушбу соҳадаги хорижий тартибга солишнинг илғор тажрибасини ўрганмасдан туриб мумкин эмас. Ушбу тадқиқот доирасида асосан Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Арманистон, Ўзбекистон ва бошқа МДҲ мамлакатлари тажрибаси ўрганилди.

Адабиётлар шарҳи.

Дунё миқёсида рақамли активларни тартибга солишда асосий ташкилот ҳисобланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи груп (FATF - ФАТФ) давлатлар криптовалюталар билан операцияларни тартибга солишга нисбатан “қонунийлаштириш тақиқлашдан яхшироқдир” тамойилидан фойдаланиши керак, деб ҳисблайди, чунки бу ҳолда барча рақамли активлар давлат назорати остида бўлади (FATF Glossary, 2022).

Рақамли активларнинг иқтисодий мазмунини очиб бериш ва шу асосда уларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари Лосева (2021), Лазарева (2020), Полякова

(2019), Патрикеев (2019), Тебекин (2020), Сидорова (2021), Sandner (2021), Olsen (2020), Йеркемеи (2019), Hasan (2018) илмий тадқиқот ишларида ўрганилган. Gonzálvez-Gallego ва Pérez-Cárceles (2021) жорий амалиёт таҳлилига асосланиб, ҳукуматнинг мавжуд тенденцияларни ва юзага келаётган муаммоларни эътиборсиз қолдиришга асосланган ёндашувлари уларнинг молиявий тизимларидаги вазиятни фақат ёмонлаштиради, деб ҳисоблайдилар.

Ишлаб чиқилаётган халқаро стандартларга мос равишда ҳукумат ёки давлат даражасида тизимли ҳуқуқий тартибни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Бундай тартибга солиш давлатларнинг аҳолиси, иқтисодиёти ва молиявий тизими учун рақамли активлардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган кенг қўламли хатарларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Yadav ва Brummer (2019) нинг фикрига кўра, Fintech ва криптовалюталар соҳасида бундай тартибга солишнинг асосий мақсадлари инновацияларни рағбатлантириш, бозор яхлитлигини ҳимоя қилиш ва бозор шаффофлигининг мақбул даражасини таъминлашдир, гарчи регуляторлар кўпинча учта мақсадга бир вақтнинг ўзида эриша олмайди. Бунинг сабаби шундаки, дастлаб рақамли марказизлаштирилган тизимлар бундай тартибга солиш ва назоратга йўл қўймаслик, давлат идоралари ва банкларни ўзларининг “пул муомаласи” ҳамда битимлар ва ҳуқуқларни тасдиқлаш доирасидан чиқариш мақсадида яратилган эди.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотнинг методологик асосини қиёсий таҳлил ва тадқиқотларни тизимлаштиришни ўз ичига олган комплекс ёндашув ташкил этади, шунингдек, қиёсий таҳлил методлари, назарий ва эконометрик моделларни яратиш ҳам қўлланилади. Бундай қўп қиррали ёндашув масалани ҳар томонлама тадқиқ этишни таъминлайди ва асосли хulosалар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиши имконини беради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

МДҲ мамлакатларида рақамли активлар муомаласи қандай тартибга солинади? KPMG Valuation and Consulting компаниясининг яқинда эълон қилинган ҳисботига (Абдуллаханов ва Старостинаబб 2024) кўра, МДҲ давлатлари ушбу соҳани тартибга солишида турлича ёндашувларга амал қиласида ва уларнинг аксариятида рақамли молиявий активлардан фойдаланиш ҳали кенг тарқалмаган.

Айрим давлатлар криптовалюталарни жорий этишга эҳтиёткорлик билан ёндашса, бошқалари эндиғина қонунчилигини мослаштира бошлаган бир пайтда, Марказий Осиё давлатлари консерватив жамият ва прогрессив қонунлар йўлини танладилар. Марказий Осиёда криптовалюта бозорларига иккита асосий жиҳат таъсир кўрсатади: ҳар бир давлат ҳокимиятининг рақамли активларга нисбатан позицияси ва уларни тартибга солиш даражаси.

Криптовалюталарни иқтисодиётга интеграциялаш борасида дастлабки қадамларни амалга оширган мамлакат Ўзбекистон ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда Қозоғистон ривожланган ҳуқуқий базани шакллантириш асосида бу соҳада етакчи ўринни эгалламоқда. Қозоғистонда йирик криптовалюта майдонлари фаолият юритади, банк тизими билан интеграция йўлга қўйилган ва умуман олганда, соҳа жадал ва халқаро стандартларга мувофиқ ривожланмоқда.

Қозоғистон Республикасида 2020 йил 25 июнда рақамли технологияларни тартибга солувчи қонун қабул қилинди. Қабул қилинган қонунга мувофиқ, иқтисодиётни ахборотлаштириш ва рақамлаштиришни ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида мавжуд қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди. Масалан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексига рақамли активларни “молмулк ва ҳуқуқларга тегишли” деб белгиловчи ўзгартиришлар киритилди, рақамли актив тушунчасини, жумладан, токенлар ва криптовалюталарни ўз ичига олган қонун қабул

қилинди, шунингдек, майнинг ва блокчейн технологиялари қонунийлаштирилди. Қозоғистонда рақамли активларни тартибга солишининг икки хил тизими мавжуд: таъминланмаган рақамли активларни тақиқловчи миллий қонунчилик ҳамда ўз юрисдикцияси доирасида фаолият юритувчи, мослашувчанлик ва инновацияларни рафбатлантиришга қаратилган Остона халқаро молиявий маркази (ОХММ). Миллий қонунчилик тартиби асосан инвесторларни ҳимоя қилиш ва пул ювишга қарши курашишга қаратилган бўлса, ОХММ стейблкойнлар ва токенизация каби инновацион рақамли активларни ривожлантириш учун қулай муҳит яратади. Бу икки хил тизим Қозоғистонга рақамли активлар соҳасидаги ривожланишни тартибга солища мувозанатни сақлашга имкон беради.

2022 йилдан бошлаб тартибга солиш муҳитининг ўзгартерилиши натижасида Остона халқаро молиявий маркази фаолиятида стейблкоинлар ва токенизация учун тартибга солиш базаларининг жорий этилиши рақамли активларни қўллашнинг янги лойиҳалари пайдо бўлиши учун шароит яратди. Шу билан бирга, банкларнинг ташабbusлари ва рақамли тенгенинг pilot лойиҳаси молия бозорини сезиларли даражада янгилади (1-жадвал).

1-жадвал

МДҲга аъзо мамлакатларда рақамли активларнинг тартибга солиниши

Мамлакат	РМАнин г хуқуқий мақоми	Қонунчилик нормалари	Тартибга соловчи органлар	Лицензиялаш	Соликқа тортиш
1	2	3	4	5	6
Мавжуд қонунчилик нормаларининг қўлланилиши					
Арманистон	Криптоактив	“Криптоактивлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш учун муҳокамага кўйилган	Арманистон Марказий банки	Хизматлар провайдерлари лицензиялашдан ўтиши кўзда тутилган	Майнинг учун умумқабул қилинган тартиб
Озарбайжон	Виртуал актив	2023 йил апрелда «Виртуал активлар билан операциялар қоидалари» тасдиқланган, “Виртуал активларни ва виртуал активлар хизматлари етказиб берувчиларининг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниш арафасида.	Озарбайжон Марказий банки	Криптовалюта фаолияти учун мавжуд эмас	ҚҚС, ушлаб қолинадиган солик, фойда солиги
Махсус (мустақил) қонунчиликнинг қабул қилиниши					
Грузия	Виртуал актив	28 июн 2019 йилдаги Грузия Молия вазирининг оммавий қарори № 201, Солик кодекси ми	Грузия Миллий банки	Мавжуд эмас. Хизматлар провайдерларининг қоидаларига асосан рўйхатдан ўтиши лозим	ҚҚС йўқ ва ЖШДС - 0%. Хизматлар провайдерлари ва майнерлар учун умумқабул қилинган

Мамлакат	РМАнин г хуқуқий мақоми	Қонунчилік нормалари	Тартибга солувчи органлар	Лицензиялаш	Солиқса тортиш
1	2	3	4	5	6
		"Миллий банк тұғрисида"ғи Қонунга киристилган ўзgartиришлар			солиқса тортиб тартиби
Қозоғистон	Рақамли актив	"Рақамли активлар тұғрисида"ғи Қонун, "Рақамли технологияларни тартибга солишиң мақалалари бүйіча Қозоғистон Республикасиниң айрим қонун хужжатларига ўзgartыш ва құшымчалар киритиш тұғрисида"ғи Қонун	"Астана" халқаро молия маркази, АХММга қарашли молиявий хизматларни тартибга солиши Құмитаси, Қозоғистон Миллий банки, Молия бозорини тартибга солишиң ва ривожлантириш агентлигига	Мавжуд	ҚҚСдан озод қилинган, криптобиржалар учун умумқабул қилинган тартиб, бөшқа провайдерлар корпоратив даромад солиғидан озод қилинган, майнинг-пуллар учун маҳсус КДС
Қирғизисто н	Виртуал актив	Виртуал активлар тұғрисидеги қонун	Қирғизистон Миллий банки	Мавжуд	ҚҚСдан озод қилинган, провайдерлар учун умумқабул қилинган тартиб, майнинг учун маҳсус солиқ
Россия	Рақамли молиявий актив (РМА), рақамли валюта	"Рақамли молиявий активлар, рақамли валюта ва айрим қонун хужжатларига ўзgartыш киритиш тұғрисида"ғи 2020 йыл 31 июлдеги 259-ФЗ-сонли Федерал қонуни	Россия банки	Мавжуд, РМА айрбошлыш операторлари, РМА чиқарыладын ахборот тизимлари операторлари учун талаб қилинади	РМА солиқса тортилади, рақамли валюта эса йүқ
Беларусь	Рақамли белги (токен)	Беларусь Республикаси Президенттің 2017 йыл 21 декабрдеги 8-сонли "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тұғрисида"ғи Фармони	Юқори технологиялар парки маъмурияти	Криптовалюта биржалари ва бөшқа айрим фаолият турлари учун талаб қилинади	Юқори технологиялар парки резидентләри учун имтиёзли солиқ режими

Мамлакат	РМАнин г хуқуқий мақоми	Қонунчилек нормалари	Тартибга солувчи органлар	Лицензиялаш	Солиқقا тортиш
1	2	3	4	5	6
Ўзбекистон	Крипто- актив	ЎзР Президенти фармон ва қарорлари. ИЛМА қарорлари ва буйруқлари	Истиқболли лойиҳалар миллий аентлиги	Мавжуд, Хизматлар провайдерлари ва майннерлар учун	2029 йил 1 январгача солиқقا тортишдан озод қилинган. Фаолият турига қараб маҳсус йиғим

Манба: Таҳлилий жадвал Абдуллаханов ва Старостина (2024); Жантурини и др. (2024); <https://www.caspianlegalcenter.az/ru/insights/more/cryptocurrency-azerbaijan> ва <https://www.matsne.gov.ge/ka/document/view/101044?publication=54> сайтылари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Юқоридаги 1-жадвал асосида олиб борилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Қирғизистонда ҳам криптовалюта соҳаси жадал ривожланмоқда. 2020 йилдан бери мамлакатда майнинг фаолияти қоидалари амал қиласи, бу эса иқтисодиётнинг тобора муҳим элементига айланмоқда. Минтақадаги илк давлатлардан бири сифатида Қирғизистон виртуал активлар чиқарилишини қонунийлаштириди. 2022 йил охиридан бошлаб "Виртуал активлар тўғрисида"ги қонун кучга кирди ва криптовалюта биржалари ва айирбошлаш шохобчаларига лицензиялар бериш бошланди, ҳозирда уларнинг сони 60 дан ошди.

Тожикистон ва Туркманистон эса ҳозирча кузатув ўрнини эгаллаган бўлиб, бу мамлакатларда криптовалюталарни тартибга солувчи норматив хужжатлар мавжуд эмас. Рақамлаштириш даражаси пастлиги сабабли криптовалюталар кенг тарқалмаган, шу билан бирга улар чет элдан пул ўтказиш каналларидан бири бўлиб қолмоқда. Криптовалюталарга асосан Тожикистоннинг бадавлат фуқаролари инвестиция киритади. Тожикистон ҳукумати ва Миллий банки соҳани ривожлантириш имкониятини кўриб чиқмоқда, аммо ҳозирча бу борада амалий чоралар кўрилмаган.

Арманистонда ҳозирда виртуал/рақамли активларни тартибга солувчи қонун мавжуд эмас. Озарбайжон эса рақамли кун тартибини шакллантириш босқичида турибди. Марказий Осиё мамлакатлари криптовалюталарни тартибга солишида турли йўлларни танладилар. Қуйидаги жадвалда мавжуд манбалар ва йирик тадқиқот марказлари ҳисоботларини таҳлил қилиш асосида МДҲ мамлакатларидаги рақамли активларнинг тартибга солиниши қиёсий таҳлил қилинган.

Ўтказилган тадқиқот доирасида Марказий Осиё ва Кавказда криптоиндустрия жаҳон тенденцияларига мувофиқ барқарор ривожланиб бораётганлиги аниқланди. Минтақада криpto-активлар савдосини ҳамда блокчейнда янги бизнес моделларини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилмоқда.

2-жадвалда келтирилган криптовалюталарни қабул қилишнинг глобал индекси тўртта қўшимча индекслардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мамлакатларнинг турли хил криптовалюта хизматларидан фойдаланишига асосланган. Бунда ҳар бир қўшимча индекс бўйича етарли маълумотларга эга бўлган барча 151 мамлакатни рейтингга киритилиб, рейтингларни аҳоли сони ва харид қобилияти каби хусусиятларга қараб, ҳар бир мамлакатнинг барча тўрт кўрсаткич бўйича рейтингининг геометрик ўртачаси олинади ва кейин ҳар бир мамлакаттга унинг умумий рейтингини белгилайдиган балл бериш учун бу якуний рақамни 0 дан 1 гача бўлган шкала бўйича нормаллаштирилади. Мамлакатнинг якуний баҳоси 1 га қанчалик яқин бўлса, рейтинг шунчалик юқори бўлади.

2-жадвал

МДХ мамлакатларида криптовалюталарнинг интеграциялашув даражаси

Мамлакат	2024 йилда криптовалутала р қабул қилинишининг глобал индекси*	2023 йилга нисбатан күтарилиши ёки пасайиши (+/-)	2023 йилда криптовалуталарга эгалик қилган аҳоли сони, киши	Аҳоли умумий сонига нисбатан улуши %да)*
Ўзбекистон	33	-8	512 322	1,46%
Қозоғистон	57	-12	341 971	1,74%
Кирғизистон	76	-5	115 621	1,72%
Грузия	54	-3	89 055	2,39%
Озарбайжон	92	-19	121 397	1,17%
Россия	7	+6	8 749 780	6,06%
Беларусь	38	+5	285 325	3,00%
Арманистон	77	+11	48 266	1,74%


* The 2024 Global Adoption Index, Chainalysis Индекс 151 мамлакатни қамраб олади.

** Triple-A сайти маълумотлари.

Манба: <https://www.chainalysis.com/blog/2023-global-crypto-adoption-index/>, <https://www.chainalysis.com/blog/2024-global-crypto-adoption-index/>, <https://www.triple-a.io/cryptocurrency-ownership-data> сайtlари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Кўшимча индексларни ҳисоблаш учун мамлакатларда турли хил криптовалюта хизматлари ва протоколлари учун транзакциялар ҳажмини ушбу хизматлар ва протоколлар веб-сайтларининг веб-трафик моделлари асосида баҳоланади.

2-жадвалдаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон криптовалуталарни қабул қилиш бўйича глобал индекда 33-ўринни эгаллаб, минтақада етакчилик қилмоқда. Бу 2023 йилга нисбатан 8 поғона паст бўлса-да, ҳали ҳам юқори кўрсаткич ҳисобланади. Россия криптовалута фойдаланувчилари сони (8 749 780 киши) ва уларнинг аҳолининг умумий сонига нисбатан улуши (6,06%) бўйича етакчилик қилмоқда. Бу бир қатор омиллар, жумладан, рақамлаштиришнинг юқори даражаси, ривожланган IT-инфратузилма ва криптовалуталарнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.



1-расм. 2021-2024 йилларда Ўзбекистоннинг криптовалуталар қабул қилиниши глобал рейтингидаги ўрни динамикаси

Манба: <https://www.chainalysis.com/> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

1-расмда акс эттирилганидек, сўнгги тўрт йил ичидаги мамлакатимиз глобал рейтингда 95-ўриндан 33-ўринга кўтарилиган. 2022 йилда мазкур индекс қиймати 0,159ни ташкил қилган бўлса-да, Ўзбекистоннинг ўрни 87-погонада турган. 2023 йилга келиб эса, индекс қиймати 0,055 гача пасайган бўлса-да, мамлакатлар ўртасида Ўзбекистоннинг нақ 62 погонага юқорилашига ҳамда 25-ўринга кўтарилишини кўриш мумкин. Мазкур ҳолат 2023 йилдан бошлаб рейтингни ҳисоблаш методологиясидаги ўзгаришлар билан изоҳланади.

2023 йилга нисбатан 2024 йилда МДҲнинг аксарият мамлакатларида криптовалюталарни қабул қилишнинг глобал индексидаги ўрни пасайган. Буни криптовалюта бозорининг умумий турғунлик даври, шунингдек, айrim мамлакатларда тартибга солиш чораларининг кучайтирилиши билан изоҳлашимиз мумкин. Рақамли активлар соҳасида қонунчиликнинг фаол ривожланиши, шунингдек, инвестициялаш ва диверсификация воситаси сифатида криптовалюталарга қизиқишининг ортиб бориши натижасида Марказий Осиё мамлакатлари (Ўзбекистон - 33, Қозоғистон - 57, Қирғизистон - 76-ўринда) криптовалюталарни қабул қилишнинг ўртacha даражасини намойиш этмоқда.

Арманистон бундан мустасно бўлиб, индекдаги ўрни 11 пунктга яхшиланди. Бу ҳолат қонунчилик базасининг йўқлигига қарамай, мамлакатда криптовалюталарга қизиқиши ортиб бораётганлигини кўрсатиши мумкин.

Криптовалюталарни қабул қилишнинг глобал индекси бир қатор кўрсаткичлар, жумладан, P2P транзакциялари ҳажми, криптовалюта биржаларидан фойдаланиш ҳамда бошқа параметрларга асосланганлигини эътиборга олиш лозим. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, иқтисодий ҳолатни, рақамлаштириш даражасини, молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда чуқур таҳлил ўтказиш зарур. МДҲ мамлакатларида криптовалюталарни қабул қилишга тартибга солишнинг самардорлигини ва турли омилларнинг таъсирини баҳолаш учун келгусида кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасини мониторинг қилиш муҳимдир.

3-жадвал

Айrim МДҲ мамлакатларида криптосаноат иштирокчилари фаолияти натижалари

Мамлакат	Давлат бюджетига тушумлар	Лицензияга эга иштирокчилар сони
Ўзбекистон	3,6 млн АҚШ доллари	14
Қозоғистон	11 млн АҚШ доллари	61
Қирғизистон	1,044 млн АҚШ доллари	126
Грузия	1,083 млн АҚШ доллари	19

Манба: Жантурина (2024) ҳамда ИЛМА сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

3-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида криптовалюта бозорининг минтақадаги ривожланиш даражаси ва давлат бюджетига таъсирини таҳлил қилиш мумкин. Қозоғистон давлат бюджетига криптовалюта соҳасидан тушган даромадлар бўйича етакчилик қўлмоқда (11 млн АҚШ доллари). Бу мамлакатда криптовалюта майнинги ва савдоси учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги, шунингдек, йирик криптовалюта биржалари фаолият юритаётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда криптовалюта бозори ҳали ривожланишнинг дастлабки босқичида бўлса-да, давлат бюджетига тушумлар 3,6 млн АҚШ долларини ташкил этди. Криптовалюталарни тартибга солиш бўйича қонунчилик базаси такомиллаштирилиши ва соҳага қизиқиши ортиб бориши тушумларнинг янада ошишига олиб келиши мумкин.

Қирғизистонда лицензияга эга криптовалюта бозори иштирокчилари сони энг юқори (126). Бу мамлакатда криптовалюта биржалари ва айирбошлаш шохобчаларига лицензия бериш жараёни соддалаштирилганлиги билан боғлиқ.

З-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, давлат бюджетига тушумлар ва лицензияланган иштирокчилар сони ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас. Масалан, Қирғизистонда иштирокчилар сони энг кўп бўлса-да, тушумлар миқдори Қозоғистон ва Ўзбекистондан кам. Бу криптовалюта бозорининг ҳажми, солиқ ставкалари ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар криптовалюталар МДҲ мамлакатларининг молия тизимиға босқичма-босқич интеграциялашиб бораётганидан далолат беради. Аммо, криптовалюталарни қабул қилиш даражаси мамлакатга қараб фарқ қиласи ва турли хил омиллар таъсири остида шаклланади.

Хулоса ва таклифлар.

Таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, МДҲ мамлакатларида рақамли активлар муомаласини тартибга солиш бўйича тажриба алмашиш ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозим. Шу билан бир қаторда, инновацияларни рағбатлантириш ва бозорнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун тартибга солиш муҳитини такомиллаштириш зарур. Фикримизча, рақамли активлар соҳасидаги хавфларни, жумладан, киберхавфсизлик, молиявий жиноятчилик ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Энг асосийси, бу борада аҳолининг рақамли ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, мазкур илмий мақола МДҲ мамлакатларида рақамли активлар муомаласини тартибга солиш амалиётини тизимли таҳлил қилиш асосида долзарб хуносаларни шакллантиришга имкон беради. Рақамли активларнинг молия тизимиға интеграциялашуви жараёни давом этаётганини инобатга олиб, ушбу соҳани тартибга солиш ва ривожлантириш масалалари келгусида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Адабиётлар/Литература/References:

Chris Brummer, Yesha Yadav, (2019) *Fintech and the Innovation Trilemma*, 107 Geo. L.J. 235.

FATF Glossary (2022) [Electronic resource] // FATF. – Mode of access: <http://www.fatf-gafi.org/glossary/u-z/>.

González-Gallego, N., & Pérez-Cárceles, M.C. (2021). Does goodness of governance dissuade citizens from using cryptocurrencies?. *Economics and Sociology*, 14(1), 11-27. doi:10.14254/2071-789X.2021/14-1/1

Haya R. Hasan, Khaled Salah. (2018) *Proof of Delivery of Digital Assets Using Blockchain and Smart Contracts*. Access IEEE. 2018. Vol. 6. P. 65439-65448.

Jepkemei B., Kipkebut A. (2019) *Blockchain – A Disruptive Technology in Financial Assets*. IRE Journals. Vol. 2. Is. 9.

Ownership (2024) *The State of Global Cryptocurrency Ownership in 2024*, Triple-A, май.

Philipp Sandner (2021) *Digital Assets: The Future Of Capital Markets*. Forbes Aug 24. URL:<https://www.forbes.com/sites/philippsandner/2021/08/24/digital-assets-the-future-of-capital-markets/?sh=3960e7716a57>

Thomas Olsen, John Fildes, Karl Gridl (2020) *For Digital Assets, Private Markets Offer the Greatest Opportunities*. Bain&company. December 16. 2020. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.bain.com/insights/for-digital-assets-private-markets-offer-the-greatest-opportunities/> (дата обращения: 23.09.2021).

Абдуллаханов Ф., Старостина М. (2024) Цифровые финансовые активы – законодательство, правоприменительная практика, бизнес-кейсы // ООО «KPMG Valuation and Consulting».

Жантурин А. И др. (2024) Цифровые активы в Центральной Азии и на Кавказе., отчет исследовательского центра RISE Research. Ноябрь.

Лазарева Н.А. (2020) Цифровые финансовые активы: экономические и правовые аспекты их обращения // Научные Известия. № 19. С. 7-13.

Патрикеев П.А. (2019). Теоретические проблемы определения понятия цифрового финансового актива // Самоуправление. Т. 2. № 1(114). С. 278-281.

Полякова В.В., Токун Л.В. (2019). Становление рынка цифровых финансовых активов в российской федерации // Вестник университета. № 6. С. 150-153.

Салаев Р.Ш. (2024) Криптовалюты: характеристики, классификация и правовые аспекты их применения. Vol. 9: Экономика, менеджмент, сервис: современные проблемы и перспективы управленческий, сервисный и инновационный потенциал трансформируемой экономики. <https://conf.sciencebox.uz/index.php/economics/article/view/1603/1446>

Сидорова О.В. (2021) Цифровые финансовые активы в современной экономике // Экономика и управление: научно-практический журнал. 2021. № 3 (159). С. 11-14.

Тебекин А.В., Петров В.С. (2020) Пути совершенствования управления экономикой за счет использования цифровых финансовых активов // Журнал экономических исследований. 2020. Т. 6. № 4. С. 55-63. НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ "УПРАВЛЕНЧЕСКИЙ УЧЕТ"

Якубова, Ш. (2024). ОСОБЕННОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СФЕРЫ ЦИФРОВЫХ ФИНАНСОВЫХ АКТИВОВ. Экономическое развитие и анализ, 2(8), 192-201.

Якубова, Ш. Ш., & Рашидов, Р. (2024). Правовое регулирование рынка цифровых активов и криптовалют. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(5).